

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

МАРДАНОВ ҲУСНИДДИН ХОЛБАЗАРОВИЧ

**ҒЎЗАНИНГ *G.BARBADENSE* ВА *G.HIRSUTUM* ТУРИГА МАНСУБ
НАВЛАРНИ ГАРМСЕЛГА БАРДОШЛИГИНИ АНИҚЛАШ ВА ИШЛАБ
ЧИҚАРИШГА ТАВСИЯ ЭТИШ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Қишлоқ хўжалик фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)
on agricultural sciences**

Марданов Хусниддин Холбазарович

Ўзанинг *G. barbadense* ва *G. hirsutum* турларига мансуб навларни
гармселга бардошлигини аниқлаш ва ишлаб чиқаришга тавсия этиш 3

Марданов Хусниддин Халбазарович

Определение толерантности к гармселю сортов хлопчатника вида
G. barbadense и *G. hirsutum* и рекомендация для внедрения в
производство..... 28

Mardanov Husniddin Xalbazarovich

Determining of the resistance of the cotton varieties of *G. barbadadense* and
G. hirsutum species and reccomendation into production 54

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 58

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

МАРДАНОВ ҲУСНИДДИН ХОЛБАЗАРОВИЧ

**ГЎЗАНИНГ G.BARBADENSE ВА G. HIRSUTUM ТУРИГА МАНСУБ
НАВЛАРНИ ГАРМСЕЛГА БАРДОШЛИГИНИ АНИҚЛАШ ВА ИШЛАБ
ЧИҚАРИШГА ТАВСИЯ ЭТИШ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.DSc/Qx146 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат аграр университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифада (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Раҳманкулов Мурод Саид-Ақбарович**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Расмий оппонентлар: **Бўриев Хасан Чўтбоевич**
биология фанлари доктори, профессор

Эргашев Иброҳим Ташкентович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Қурбонов Аброр Ёркинович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: **Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «14» август соат 14-00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tgau-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертацияси билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (541179-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2020 йил «23» июль куни тарқатилди.
(2020 йил «27» июндаги 05.1 рақамли реестр баённомаси).



 **Б.А.Сулаймонов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

 **Я.Х. Юлдашов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.н., профессор

 **М.М.Адилов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда экологик ҳолатнинг глобал ўзгариши қишлоқ хўжалиги экинларидан, жумладан муҳим иқтисодий аҳамиятга эга бўлган пахтачиликда барқарор ҳосил етиштиришга салбий таъсир этмоқда. Маълумки, ҳозирги вақтда дунёнинг 90 га яқин давлатларида пахта етиштирилади. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ташкилоти ва Халқаро пахтачилик консултатив комитети маълумотларига асосан¹ пахта етиштиришда етакчи давлатлардан ҳисобланган Ҳиндистон, АҚШ, Хитой, Покистон, Бразилия, Ўзбекистон ҳисобланиб, ушбу давлатларда дунё миқёсидаги пахтанинг 77% дан ортиғи етиштирилиб, кейинги 2018-2019 йилларда айрим давлатлар (Ҳиндистон, АҚШ, Покистон, Австралия)да турли стресс омиллар таъсирида умумий етиштириладиган пахта ҳосилининг 4,7 фоиздан 44,0 фоизгача камайиши таъкидланган.

Дунёда кейинги йилларда ҳар хил турли стресс омиллар, гармселнинг етиштирилаётган қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилига сезиларли зарари Яқин Шарқда, Жанубий ва Шарқий Осиё давлатлари, Шимолий Африка, Австралия ва бошқа давлатларда яққол кузатилмоқда². Жумладан, Department of Atmospheric Science USA, Mississippi State University, U.S.Department of Agriculture, Alcorn state University, University of California каби олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида гармсел ва стресс омилларнинг таъсирини ўрганиш, уни бартараф этиш, янги агроинновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга тавсия этиш, селекционер олимлар томонидан янги навларини яратиш мақсадида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида уруғчиликда асл навларни яратиш мақсадида тажриба-селекция ишларини тубдан жонлантириш, институтларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, давлат-хусусий шериклик асосида уруғчилик кластерларини ташкил этиш лозимлиги таъкидланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17-18 октябрь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлари ҳамда соҳа олимлари ва мутахассислари билан бўлган учрашувида Республиканинг жанубий ҳудудлари тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, тезпишар ва ҳосилдорлиги юқори бўлган янги ингичка толали ғўза навларини яратиш, уларнинг экин майдонларини кенгайтириш, истикболли навларнинг уруғларини кўпайтириш ҳамда етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқишда илмий ёндошувни кучайтириш борасида топшириқлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ва 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни

¹FAO. <http://fao.org/crop/statistics>.

²ICAC. <http://icac.org>

ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3281-сон «2018 йилда қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3683-сон «Ўзбекистон Республикасида уруғчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 985-сон «2020 йилда ғўзани навлар бўйича жойлаштириш ва пахта хом ашёси етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Ғўза селекциясида хўжалик учун қимматли белгиларнинг ижобий мажмуасига эга, шунингдек турли биотик ва абиотик омилларга бардошли бўлган навларни яратиш бўйича илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Texas A&M, University of Missouri, Alcorn State University (АҚШ), China Agricultural University, Institute of Cotton Research, Xinjiang Academy of Agricultural Sciences (Хитой Халқ Республикаси), University of Agricultural Sciences, Cotton University Examination Branch, Central Institute for Cotton Research (Ҳиндистон), Central Cotton Research Institute, Cotton Research Institute (Покистон), Agricultural Research Corporation of Sudan (Судан), Ethiopian Institute of Agricultural Research (Эфиопия), Cotton Research Institute of Iran (Эрон), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида (Ўзбекистон) олиб борилган.

Дунёнинг ривожланган пахтачилик давлатларида ғўза селекцияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: хўжалик учун қимматли белгиларнинг ижобий мажмуасига эга, экстремал омилларга бардошли ғўза навлари яратилган (China Agricultural University, Institute of Cotton Research, Xinjiang Academy of Agricultural Sciences); хўжалик учун қимматли белгилар билан абиотик омилларга бардошлиликнинг боғлиқлиги аниқланган (Cairo University Egypt), (University of Agricultural Sciences, Central Institute for Cotton Research, Agricultural Research Corporation of Sudan) ва стресс омилларга бардошли ғўза навлари яратилган (Ethiopian Institute of Agricultural Research, Cotton Research Institute of Iran, The Australian Cotton Research Institute – ACRI).

Бугунги кунда дунёда ғўза навларининг ҳосилдорлиги, хўжалик учун қимматли белгилари, тола сифат кўрсаткичлари ва бошқа белги-хусусиятларига стресс омилларнинг таъсири аниқлаш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: турли ташқи омилларга бардошли ҳамда

тезпишар гўза навларини яратиш; пахта ҳосилдорлиги, тола чиқими ва сифати юқори навларни танлаш; хўжалик учун қимматли белгиларни намоён этувчи, гармселга чидамли бошланғич ашёларни яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон ва хорижий пахтачилик давлатларида турли хилдаги стресс омиллар, жумладан сув танқислиги, ерларнинг шўрланиши, гармсел ва ҳ.к.ларга бардошли, ҳамда хўжалик учун қимматли белгиларнинг ижобий мажмуасига эга бўлган гўза навлари селекцияси, уруғчилиги ва агротехникасини ўрганиш борасида кўшлаб олимлар илмий изланишлар олиб боришган. Жумладан, Cleugh et. all. (Австралия), Armbrust, Basy et. all., Jeffrey T. Baker (АҚШ), Sunil Puri et all. (Ҳиндистон), Sawan et all., Barker et. all., Tsuberbiller (Миср) каби етакчи олимлар илмий изланишлар олиб борган.

Ҳозирги кунда дунёнинг етакчи, жумладан, U.S. Department of Agriculture, Department of Atmospheric Science, Michigan State University, Alcorn State University, Wind Erosion and Water Conservation Research Unit, Department of Atmospheric Sciences, Chinese Academy of Agricultural Sciences Cotton Institute, China's Chongqing University, Central Cotton Research Institute Multan, Central Institute for Cotton Research каби илмий-тадқиқот марказларида кишлоқ хўжалиги экинларининг турли стресс омиллар таъсирига бардошли, қимматли-хўжалик белгиларининг юқори кўрсаткичларига эга бўлган янги навларини яратиш ҳисобига ҳосилдорликни ошириш мақсадида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Республикамизда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Геномика ва биоинформатика маркази, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳамда бошқа муассасалар олимлари томонидан тола ҳосилдорлиги ва сифати юқори бўлган *G. hirsutum* L. ва *G. barbadense* L. турларига мансуб навлар селекциясида ҳар хил дурагайлаш услубларидан кенг фойдаланиш орқали ижобий генлар мажмуасига эга бўлган янги селекцион ашёларни яратиш, уларни турли стресс омилларга бардошлилигини ўрганиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда хўжалик учун қимматли белгиларнинг ижобий мажмуасига эга, турли биотик ва абиотик омилларга бардошли бўлган гўза навлари селекцияси ва уруғчилигини ўрганиш борасида Канаш С.С., Страумал Б.П., Арутюнова Л.Г., Мирахмедов С.М., Автономов А.А., Автономов В.А., Автономов Вик.А., Баталов А.М., Абдурахмонов И.Ю., Намазов Ш.Э., Махсудов С. ва бошқа олимлар олиб борган тадқиқотларда нофақат тола ҳосилдорлигини ошириш ва сифатини яхшилаш, балки турли хил стресс омилларга бардошли бўлган навлар яратилган. Бироқ, яратилаётган гўза навларининг тола сифати ва ҳосилини ошириш, қимматли-хўжалик белгиларини яхшилаш билан бир қаторда ушбу белгиларга табиий гармселнинг таъсирини аниқлаш орқали гармселга бардошли селекцион ашёларни яратиш, табиий гармселнинг зарари кучли минтақаларда ўрта ва ингичка толали гўза навларининг етиштириш агротехникасини ўрганиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш кам ўрганилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети ҳамда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишлари режаси (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2012 йил 28 мартдаги 157-сон, 2013 йил 8 апрелдаги 73-сон ҳамда 2014 йил 13 январдаги 2-сон шартномалари), ҚХИ-5-083-2014 «Ўзанинг сув танқислиги ва шўрланишга толерант бўлган истиқболли Жарқўрғон навининг наводорлигини яхшилаш, уруғини кўпайтириш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш» (2014-2015 йй.), ҚХА-8-109 «Ўзанинг селекцион манбаларининг қимматли-хўжалик кўрсаткичларига гармселни таъсирини ўрганиш, улардан бардошлиларини амалий селекцияга ва ишлаб чиқаришга жорий этиш» (2015-2017 йй.) амалий ва инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турларига мансуб районлашган, истиқболли ва янги ғўза навларининг табиий гармселга бардошлилиги ҳамда қимматли-хўжалик белгилари ва морфологик кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш, гармселга бардошли селекцион ашёларни яратиш ва ишлаб чиқаришга тавсия этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

ўрта ва ингичка толали ғўза навларининг қимматли-хўжалик белгилари ва морфологик кўрсаткичларига табиий гармселнинг таъсирини аниқлаш;

табиий гармселнинг ўрта ва ингичка толали ғўза навлари толасининг технологик кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

табиий гармселга бардошли ғўза навларини ўзаро чапиштириш асосида яратилган F_1 дурагайларида хўжалик учун қимматли белгиларнинг ирсийланиш қонуниятларини аниқлаш;

табиий гармселга бардошли ғўза навларини ўзаро чапиштириш асосида яратилган F_2 - F_3 дурагайларида хўжалик учун қимматли белгиларнинг шаклланишини аниқлаш;

районлашган Истиклол-14, истиқболли Жарқўрғон ва янги С-2118 ғўза навларининг хўжалик учун қимматли белгиларига табиий гармселнинг таъсирини аниқлаш;

истиқболли ингичка толали ғўза навларининг хўжалик учун қимматли белгилари ва толанинг технологик кўрсаткичларига гармселнинг таъсирини аниқлаш;

тадқиқотлар натижасида гармселга бардошли деб топилган ўрта ва ингичка толали ғўза навларини ишлаб чиқаришда кенг майдонларда экишга тавсия этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўрта толали ғўзанинг турли генетик асосга эга бўлган 16 та ва ингичка толали ғўзанинг 4 та районлашган, истиқболли ва янги навлари ҳамда табиий гармселга бардошли деб топилган навларни чапиштириш орқали яратилган 33 та дурагай комбинацияларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети гармселга бардошли навлар ва дурагайларни танлаш, уларни генетик ва селекцион тадқиқотларга тавсия этиш, ишлаб чиқаришдаги майдонларини кенгайтириш ҳамда табиий гармсел шароити бўлиб ҳисобланди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда барча кузатув, таҳлил ва ўлчовлар Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари ИТИ (собик ЎзПИТИ) да қабул қилинган «Методика полевых опытов с хлопчатником» (1983, Ташкент), «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари»га мувофиқ, толанинг технологик хусусиятлари HVI-900 тизимида ва олинган таҳлиллар ЛПС-4 ускунасида «Ўзпахтасаноат» Илмий маркази томонидан тасдиқланган тартибга асосан аниқланди. Маълумотларни статистик қайта ишлаш Б.Доспехов тавсия этган усулида амалга оширилди. Табиий гармсел шароитида ҳавонинг ҳарорати ва шамолнинг тезлигини ўлчовчи Арион-130 кичик метеостанцияси, ҳавонинг нисбий намлигини «М-16 Ан» маркали термограф ва «М-21 Ан» маркали гигрограф ёрдамида аниқланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба, *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L., турларига мансуб районлашган, истикболли ва янги ғўза навларининг табиий гармселга бардошлилиги қиёсий баҳоланган ҳамда уларнинг қимматли-хўжалик белгилари ва морфологик кўрсаткичларига гармселнинг таъсири навларнинг генотипига боғлиқ равишда юз бериши аниқланган;

ингичка ва ўрта толали ғўза навларига табиий гармселнинг таъсирини қиёсий баҳолаш асосида ғўзанинг гуллаш-ҳосил тўплаш даврида юз берадиган гармселга ингичка толали ғўза навларининг бардошлилиги, яъни ўрта толали ғўза навларига нисбатан ҳосил элементларининг кўп сақлаб қолиши натижасида уларнинг ҳосилдорлиги юқори бўлиши тасдиқланган;

ўрганилган ғўза навларининг ҳосил шохлари ва кўсақлар сонига, бош поясининг ўсиш тезлиги ҳамда ҳосилдорлик каби белгиларига табиий гармселнинг таъсири ғўза турлари ва навларининг ирсий жиҳатдан эрта, ўрта ва кечпишарлигига боғлиқ равишда юз бериши, яъни нисбатан тезпишар навларда гармселнинг салбий таъсири камроқ бўлиши ҳамда пишишнинг 2-7 кунгача жадаллашишига олиб келиши исботланган;

тадқиқотлар асосида ўрта толали ғўза навларининг бир дона кўсақдаги пахта вазни, 1000 дона чигит вазни, тола индекси ва тола чиқишига табиий гармселнинг салбий таъсири уларнинг ярусларда жойлашишига боғлиқ тарзда намоён бўлиши аниқланган;

юқори ҳарорат ва гармселнинг салбий таъсири натижасида ўрта толали ғўза навларининг тола узунлиги ва микронейр кўрсаткичи ингичка толалиларга нисбатан сезиларли даражада ёмонлашиши, толанинг юқори ўртача узунлиги эса, навларнинг тезпишарлик кўрсаткичларига боғлиқ равишда шаклланиши, яъни тезпишар навларга нисбатан кечпишар навларда юқори бўлиши тасдиқланган;

табиий гармсел шароитига бардошли деб топилган ғўза навларини ўзаро частиштириш орқали яратилган F_1 дурагайларида ҳосил элементларининг сақланиб қолиши ва маҳсулдорлик кўрсаткичлари бўйича асосан гетерозис ва

оралиқ тарзда ирсийланиш юз бериши, яъни 20 тадан комбинацияда ижобий ва салбий гетерозис, 11 тасида ижобий ёки салбий оралиқ ирсийланиш юз бериши кузатилган;

гармселга бардошли деб топилган гўза навлари иштирокида яратилган F₁ дурагайларида тола чиқими юқори бўлган навга хос тарзда, яъни асосан ижобий гетерозис ҳамда ижобий оралиқ ирсийланиши, тола узунлиги бўйича эса, салбий гетерозис ёки ижобий ва салбий тўлиқ доминант тарздаги ирсийланиши тасдиқланган;

гармселга бардошли гўза навларини ўзаро чатиштириш орқали яратилган F₁ дурагайларида тола узунлиги, толанинг солиштирма узилиш кучи ва толанинг узунлик бўйича бир хиллик индекси кўрсаткичлари ижобий гетерозис ҳолда, тола микронейри эса, майин толали навларга хос салбий доминант ҳамда салбий оралиқ тарзда ирсийланиши тасдиқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

табиий гармсел ва юқори ҳарорат шароитида қимматли-хўжалик белгиларнинг мажмуаси бўйича ўрта толали гўзанинг Жарқўрғон, Истиклол-14, С-2118 ҳамда ингичка толали Сурхон-14 навлари, ҳосилдорлик бўйича эса, ўрта толали Султон, С-9082, Бешқаҳрамон ва ингичка толали Сурхон-16 навлари андоза навларга нисбатан устун эканлиги тасдиқланган ҳамда республиканинг гармселга мойил минтақаларида кўпайтириш учун тавсия этилган;

қимматли-хўжалик белгиларнинг мажмуаси бўйича гармсел шароитига бардошлиликни намоён этган ўрта ва ингичка толали гўзанинг Жарқўрғон, Истиклол-14, С-2118, Сурхон-14 ҳамда юқори ҳосилдорликни намоён этган Султон, С-9082, Бешқаҳрамон, Сурхон-14, Сурхон-16 навларидан гармселга бардошли гўза навлари бўйича амалга оширилаётган генетик-селекцион изланишларда бошланғич ашё сифатида фойдаланиш мумкинлиги аниқланган;

ўтказилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқаришга тавсия этилган табиий гармселга бардошли деб топилган ингичка толали гўзанинг тола сифати I-на тишларга мансуб бўлган Сурхон-14, Сурхон-16, Термиз-202 ва Термиз-208 навлари 2016-2018 йилларда Сурхондарё вилоятида 10 минг гектарга яқин майдонга жорий этилган;

изланишлар асосида толаси IV-типга мансуб Истиклол-14 гўза нави яратилган ва 2015 йилдан Андижон вилояти учун, 2016 йилдан эса, гармсел кучли бўладиган Сурхондарё вилояти учун районлаштирилган ҳамда 2013-2016 йилларда 2500 гектардан ошиқ майдонда экилган. Шунингдек, гармселга бардошли деб топилган толаси IV-типга мансуб ўрта толали Жарқўрғон нави Сурхондарё ва Самарқанд вилоятлари учун истиқболли деб топилиб, 9 минг гектардан ортиқ майдонга жорий этилган. Янги яратилган С-2118 гўза навига патент олинди, кенг майдонларда экиш учун тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги кўп йиллик тадқиқот натижаларининг турли статистик услублар ёрдамида қайта ишланганлиги, олинган назарий маълумотларнинг тажриба натижалари билан мос келиши, тадқиқотлар натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар маълумотлари билан таққосланганлиги ҳамда олинган хулосалар ва қонуниятларнинг асосланганлиги, олинган натижаларни мутахассислар томонидан юқори

баҳоланганлиги ва ишлаб чиқариш амалиётига жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг хар йили махсус ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда маъруза қилинганлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия қилинган илмий нашрларда чоп этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк маротоба *G.hirsutum* L. ва *G. barbadense* L. турларига мансуб ғўза навларининг қимматли-хўжалик белгилари ва морфологик кўрсаткичларига табиий гармселнинг салбий таъсири навларнинг генотипига боғлиқ равишда юз бериши аниқланганлиги, гуллаш-ҳосил тўплаш даврида ингичка толали ғўза навларининг гармселга бардошлилиги натижасида ҳосилдорлиги ўрта толали ғўза навларига нисбатан юқори бўлиши, хўжалик учун қимматли белгиларнинг намоён бўлишига табиий гармселнинг таъсири ғўза турлари ва навларининг ирсияти ҳамда ярусларга боғлиқ тарзда юз бериши, табиий гармселга бардошли ғўза навларини частиштиришдан олинган F_1 дурагайларида аксарият белгиларнинг гетерозис ва оралик тарзда ирсийланиши аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти табиий гармсел ва юқори харорат шароитида қимматли-хўжалик белгиларнинг мажмуаси бўйича ўрта ва ингичка толали ғўзанинг Жарқўрғон, Истиклол-14, С-2118, Сурхон-14 ҳамда ҳосилдорлик бўйича Султон, С-9082, Бешқаҳрамон, Сурхон-16 навлари андоза навларга нисбатан устунлиги ҳамда ушбу навлардан гармселга бардошли ғўза навлари борасидаги селекцион-генетик изланишларда бошланғич ашё сифатида фойдаланиш мумкинлиги аниқланганлиги, табиий гармселга бардошли деб топилган ингичка толали ғўзанинг тола сифати I-Ia типларга мансуб бўлган Сурхон-14, Сурхон-16, Термиз-202 ва Термиз-208 навлари 2016-2018 йилларда Сурхондарё вилоятида 10 минг гектарга яқин майдонга жорий этилгани, толаси IV-типга мансуб Истиклол-14 ғўза нави яратилганлиги ва гармсел кучли бўладиган Сурхондарё вилояти учун районлаштирилганлиги, Жарқўрғон навининг истиқболли деб топилганлиги ҳамда янги яратилган С-2118 ғўза навига патент олинб, кенг майдонларда экиш учун тавсия этилганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғўзанинг селекцион-генетик ашёларини табиий гармселга бардошлигини баҳолаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

ғўзанинг Жарқўрғон, Истиклол-14, С-2118, Султон, С-9082 ва Бешқаҳрамон навлари гармселга бардошли деб топилган ва гармселга мойил минтақалари пахтачилик фермер хўжаликларида 115 минг гектардан зиёд майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 18.11.2019 йил № 05/020-3748-сон маълумотномаси). Натижада вилоятда олинган ўртача пахта ҳосилдорлигига нисбатан кўшимча 2,1 центнер кўшимча пахта ҳосили олинган ва иқтисодий самара гектарига 989 минг сўмни ташкил этган;

хаммуаллифликда яратилган ғўзанинг Истиклол-14 ва С-2118 навлари 2013-2016 йилларда республиканинг пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида жами 5120 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 18.11.2019 йил №05/020-3748-сон маълумотномаси). Натижада мазкур навлардан андоза навга нисбатан гектаридан ўртача 3,1 центер кўшимча пахта ҳосили олинган ва иқтисодий самарадорлик гектарига 1281 минг сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та, шу жумладан 4 халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда ғўза навига 1 та патент олинган (NAP 00155).

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, саккизта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 190 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзуси юзасидан ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгиликлари ва амалий натижалари баён қилинган, изланишлар юзасидан олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиниши, нашр этилган илмий ишлар натижалари ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида ғўза селекциясида юртимиздаги ва хорижий олимлар томонидан олиб борилган илмий изланишлар натижалари, хулоса ва таклифлари ҳамда гармсел шароитида олинган маълумотлар қанчалик даражада бир-бирига мослиги ўрганиб чиқилган. Шунингдек, турли чатиштириш усулларида фойдаланиб яратилган дурагайларни ҳар-хил тупроқ иқлим шароитларида ўрганиш ва яратилган янги навларни синовини олиб бориб юқори кўрсаткичларга эга бўлганларини генетик селекцион тадқиқотлар ва ишлаб чиқаришга тавсия этиш, янги яратилган ғўза навларининг турли экстремал омилларга бардошли селекцион ашёлар яратишдаги аҳамияти ва самарадорлиги, ҳамда илмий изланишларда фойдаланилган навлар ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотларнинг олиб бориш жойи, шароити, манба ва услублар**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларнинг

селекцион манбалари, тадқиқот ўтказиш шароити ва услублари, шунингдек тажриба далаларида ўтказилган агротехник тадбирлар баён этилган.

Диссертациянинг «**Ўрганилган ғўза навларининг айрим морфологик ва хўжалик учун қимматли белгиларига табиий гармселнинг таъсири**» деб номланган учинчи бобида ғўза навларида бош поя баландлигининг шаклланишига гармселнинг таъсири борасида ўтказилган тадқиқотлар натижалари таҳлил қилинган.

Табиий гармсел шароитида 2012-2017 йилларда 20 та ўрта ва ингичка толали ғўза навларида бош поя баландлигининг ўсиши андоза Бухоро-6 ва Бухоро-102 навларига нисбатан таққослаб ўрганилган.

Диссертациянинг «**Ғўза навларида ҳосил шохларининг шаклланишига гармселнинг таъсири**» деб номланган бўлимида ўрганилган ғўза навларида ғўзанинг бир ўсимликдаги ҳосил шохлари сони бўйича энг паст кўрсаткич пакана бўйли С-2510 В ва С-8286 навларига тегишли бўлиб, бир хилда 13,9 донани ташкил этганлиги кўрсатилган, яъни андоза навларнинг кўрсаткичига нисбатан 2,9-3,4 донагача кам ҳосил шохи тўплаганлиги маълум бўлди. Мазкур олинган натижалар аввалги келтирилган маълумотларга мослиги, яъни ушбу ғўза навларининг бош поя баландлиги қолган барча навларга нисбатан деярли пастлиги маълум бўлиб, ушбу ғўза навларининг бир ўсимликдаги ҳосил шохларининг сони бош поя баландлигига пропорционал равишда бўлганлиги тасдиқлаганган.

Тадқиқотларимизнинг кейинги йилларида ўрганилган ингичка толали ғўза навларининг бир ўсимликдаги ҳосил шохлари сони уч муддатда ўрганилди. Ингичка толали ғўза навларида биринчи август ҳолатига олинган натижалар ғўзанинг бир ўсимликдаги ҳосил шохлари сони ўртача 15,3 донадан 16,5 донагача ораликда бўлгани, бунда андоза Сурхон-14 ғўза нави ўрганилган барча ингичка толали навлардан ижобий кўрсаткичга эга эканлигини билишимиз мумкин.

Бир ўсимликдаги ҳосил шохлари сони бўйича бошқа навларга нисбатан паст кўрсаткич Термиз-208 ғўза навида қайд этилиб, ўртача 15,3 донани ташкил этди, яъни андоза навга нисбатан -1,2 донани ташкил этди.

Табиий гармсел шароитида ғўза навларининг тезпишарлиги. Тадқиқотларимизда тезпишарликнинг асосий таркибий қисми бўлган «50 фоиз униб чиқиш – 50 фоиз гуллаш» ва «50 фоиз униб чиқиш – 50 фоиз пишиш» даврлари бўйича 20 та ғўза навлари гармсел шароитида андоза Бухоро-6 ва Бухоро-102 навларига қиёслаб ўрганилди.

Тажрибаларимизда ўрганилган ўрта толали навлардан районлашган навлар 50 фоиз униб чиққандан 50 фоиз гуллаш даври бўйича 49,0 кундан 63,2 кунгачани ташкил этди. Фарқланиш навлар бўйича 8-10, йиллар бўйича 5,5-8,5 кунни ташкил этди. Уч йиллик кузатишлар натижасида районлашган навлардан С-6775 (50-57,5 кун) нави андоза Бухоро-102 (52,3-60,2 кун) навидан 1,5-5,8 кунга эрта гулга кирганлиги аниқланди.

Районлашган Истиқлол-14 нави 51,0-55,7 кун, С-8286 нави 51,0-56,5 кунни ташкил этиб, андоза Бухоро-102 навидан 3,5-5,0 кун илгари гуллаганлиги, С-9082 (50,0-58,2 кун) навлари андоза Бухоро-102 навидан 2,0-4,5 кун олдин

гуллаганлиги қайд этилди. Кейингги йилларда ўрганилган навлардан ЎзФА-703 (49,5-53,0 кун), навлари андоза Бухоро-102 навидан (52,3-53,0 кун) 3,5 кунга олдин гуллади (1-жадвал).

1-жадвал

**Навлар ўсимликларининг униб чиққандан 50 фоиз гуллашгача
муддатлари, кун**

№	Навлар	2012 йил			2013 йил			2014 йил		
		50 фоиз гуллаш	Андозадан фарқи, кун		50 фоиз гуллаш	Андозадан фарқи, кун		50 фоиз гуллаш	Андозадан фарқи, кун	
			Бух-6	Бух-102		Бух-6	Бух-102		Бух-6	Бух-102
1	Бухоро-6	60,5			52,3			54,5		
2	Бухоро-102	60,2			52,3			53,0		
3	Бухоро-8	63,2	+2,7	+3,0	54,0	+1,7	+1,7	52,5	-2,0	-0,5
4	Султон	58,7	-1,8	-1,5	53,7	+1,4	+1,4	53,5	-1,0	+0,5
5	Наманган-77	57,2	-3,3	-3,0	-	-	-	52,0	-2,5	-1,0
6	Бешқаҳрамон	59,5	-1,0	-0,7	53,0	+0,7	+0,7	51,5	-3,0	-1,5
7	С-6775	57,5	-3,0	-2,7	52,7	+0,4	+0,4	50,0	-4,5	-3,0
8	С-8286	56,5	-4,0	-3,7	53,3	+1,0	+1,0	51,0	-3,5	-2,0
9	С-2510 В	55,2	-5,3	-5,0	-	-	-	-	-	-
10	Жарқўргон	58,0	-2,5	-2,2	55,3	+3,0	+3,0	55,0	+0,5	+2,0
11	Истиклол-14	55,7	-4,8	-4,5	54,0	+1,7	+1,7	51,0	-3,5	-2,0
12	ЎзФА-703	60,2	+0,3	0,0	53,0	+0,7	+0,7	49,5	-5,0	-3,5
13	С-9082	58,2	-2,3	-2,0	52,7	+0,4	+0,4	50,0	-4,5	-3,0
14	Умид	58,2	-2,3	-2,0	53,0	+0,7	+0,7	51,5	-3,0	-1,5
15	С-2118	57,2	-3,3	-3,0	53,3	+1,0	+1,0	52,5	-2,0	-0,5
16	Термиз-256	58,7	-1,8	-1,5	54,0	+1,7	+1,7	52,5	-2,0	-0,5

«50 фоиз униб чиқиш – 50 фоиз пишиш». Ўрганилган ўрта толали навлар кўсақларининг 50 фоиз пишиши белгиси бўйича андоза Бухоро-102 навидан сезиларли эрта пишиб етилиши, 50 фоиз пишиши учун 89 кундан 94 кунгача сарфланиши, шубҳасиз замонавий селекциянинг катта ютуқларидан деб ҳисоблаш мумкин. Тезпишар навларнинг районлаштирилганлиги натижасида ҳосилни йиғиб-териб олиш камида 30 кунга тезроқ яқунланишига эришилмоқда.

Тадқиқотларимизда ўрганилган ўрта толали баъзи навлар ўзининг ички ирсий имкониятларини намоён қилганлиги маълум бўлди. Кўпчилик навларнинг ўсув даври сезиларли қисқарганлиги, яъни тезпишарлиги намоён бўлди.

Навлардан С-8286, С-9082, Султон каби тезпишар навлардан ташқари Бухоро навлари, Жарқўргон, Истиклол-14, ЎзФА-703 каби ўрта ва кечпишар деб таърифланган навларнинг ҳам 50 фоиз пишиши 8-17 кунга қисқарганлиги бу навларнинг иссиқ шамол ва гармсел бошланишидан олдин юқори ҳароратдан самарали фойдаланганлиги, гуллаши ва кўсақлар етилишини жадаллашганлиги ташқи омиллар таъсирида содир бўлиши мумкинлигини тасдиқлади.

Табиий гармселнинг ғўза навларида яққол таъсири натижасида баъзи навларнинг 7-9 ҳосил шоҳидан кейинги шоҳларида тугунчалар ривожланмай қолиши ёки шаклланган шоналарнинг ҳам нобуд бўлиши кузатилди (2-жадвал).

2-жадвал

Навлар ўсимликлари кўсақларининг униб чиққандан 50 фоиз пишиш муддатлари, кун

№	Навлар	2012 йил			2013 йил			2014 йил		
		50 фоиз пишиш	Андозадан фарқи, кун		50 фоиз пишиш	Андозадан фарқи, кун		50 фоиз пишиш	Андозадан фарқи, кун	
			Бух-6	Бух-102		Бух-6	Бух-102		Бух-6	Бух-102
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
1	Бухоро-6	101,5			97,3			100,0		
2	Бухоро-102	99,2			97,0			98,5		
3	Бухоро-8	106,0	+4,5	+6,8	97,3	±0,0	+0,3	98,5	-1,5	±0,0
4	Султон	98,5	-3,0	-0,7	93,0	-4,3	-4,0	93,5	-6,5	-5,0
5	Наманган-77	92,0	-9,5	-7,2	-	-	-	95,5	-4,5	-3,0
6	Бешкаҳрамон	95,7	-5,8	-3,5	94,6	-2,7	-2,4	94,0	-6,0	-4,5
7	С-6775	90,0	-11,5	-9,2	91,7	-5,6	-5,3	91,0	-9,0	-7,5
8	С-8286	90,7	-10,8	-8,5	92,0	-5,3	-5,0	89,0	-11,0	-9,5
9	С-2510 В	91,2	-10,3	-8,0	-	-	-	-	-	-
10	Жарқўрғон	97,0	-4,5	-2,2	96,7	-0,6	-0,3	94,5	-5,5	-4,0
11	Истиклол-14	89,2	-12,3	-10,0	93,3	-4,0	-3,7	92,0	-8,0	-6,5
12	ЎзФА-703	104,5	+3,0	+5,3	97,3	±0,0	+0,3	98,5	-1,5	±0,0
13	С-9082	90,0	-11,5	-9,2	94,0	-3,3	-3,0	91,0	-9,0	-7,5
14	Умид	93,5	-8,0	-5,7	94,7	-2,6	-2,3	92,0	-8,0	-6,5
15	С-2118	87,7	-13,8	-11,5	95,7	-1,6	-1,3	92,5	-7,5	-6,0
16	Термиз-256	96,2	-5,3	3,0	97,0	-0,3	±0,0	95,5	-4,5	-3,0

Ғўза навларида ҳосил элементларининг шаклланишига гармселнинг таъсири. Ўрганилган ўрта толали навларнинг ҳосил элемент (шона) ларни нисбатан кўп тўплаган ҳамда кўп сақлаб қолган, навларнинг биологик хусусиятига боғлиқ бўлиб, юқори ҳосилдорликга эришган С-9082, С-2118 навларини, ҳосил элементларини кўп сақлаб қолган навларга андоза Бухоро-6, Бухоро-102, Бухоро-8, Жарқўрғон навларида 27,5 дона шаклланган, 64 фоизгача сақланган келтириш мумкин. Тўпланган кўсақлар сони бўйича маълумотларни таҳлил қилганимизда кўсақлар сони нисбатан кам навларга Бухоро-6 навида 12,8 дона, Бухоро-8 навида 12,4 дона, Бухоро-102 навида 14 дона, Жарқўрғон навида 14,4 донани, кўсақлар кўп тўпланганларга С-8286, Истиклол-14, С-9082 навларида мос равишда 22,4; 20,3; 23,1 донани ташкил этганлиги, жами тўпланган кўсақларнинг пишиш даражаси эса энг юқори кўрсаткичларни С-9082, С-8286, Истиклол-14 навларида мос равишда 54; 53; 46; 40 фоизни намоён қилганлигини, нисбатан кам очилган навларга эса Наманган-77, Бухоро-102, Бухоро-6, Бухоро-8, Жарқўрғон навларида мос равишда 17; 19; 20; 20; 20 фоизни ташкил этганлигини куришимиз мумкин. Кўсақларнинг пишиши навлар бўйича катта фарқланиш, яъни 13 фоиздан 55 фоизгача бўлганлиги, бошқа

белгилари каби ўсув (амал) даврида ҳам агротехник тадбирларга қараб навларда бир-биридан сезиларли даражада ўзгаришини кўришимиз мумкин.

Тажрибаларимиз давомида навларнинг бир ўсимликдаги ҳосил элементлари сони ва улардан табиий гармсел таъсирида тўкилишини санаш йўли билан аниқланди. Тадқиқотнинг биринчи йилининг 1 июлига келиб ўрта толали ғўза навларида ўртача 13,3 донадан 24,0 донагача ҳосил элементлари, шундан 0,4 донадан 3,6 донагача кўсаклар тўпланди, 2012 йилнинг 1 июл даврига келиб навларда ҳосил элементларининг тўкилиши жуда кам, яъни бир ўсимликда ўртача 0,9 донагачани ташкил этди.

Навларнинг маҳсулдорлик ва бир дона кўсак вазнига табиий гармселнинг таъсири. Бир дона кўсакдаги пахта вазни бўйича 2012 йилдаги тажрибаларимизда ўрганилган навлар ўсимлик яруслари бўйича алоҳида ўрганилди. Натижалар таҳлил қилинганда Бухоро-6, Бухоро-102, Бухоро-8, Султон, С-2510 В, Жарқўрғон навларида бу белги энг юқори (5,3-6,9 г), Термиз-256, ЎзФА-703, С-9082 навларида кичик (4,1-4,4 грамм) кўсак вазнига эга эканлиги аниқланди. Мазкур белги бўйича ўрганилган барча ўрта толали навларнинг ўсимлик ярусларининг рақами ошиши билан белги кўрсаткичи ҳам юқори бўлиши аниқланди. Аксарият навларда биринчи ярусдаги кўсакларда пахта вазни ўртача 6,2-7,7 гача ораликда бўлиб, натижалар таҳлилига кўра, Бухоро навлари ва Султон, С-2510 В, Жарқўрғон навларида энг юқори кўрсаткичларни кўрсатди.

Табиий гармсел шароитида ғўза навларининг бир ўсимлик маҳсулдорлиги белгиси андоза Бухоро-6 ва Бухоро-102 навларига қиёслаб ўрганилди. Олинган маълумотларига кўра, Наманган-34 (72,2 г), С-6541 (71,9 г), Чарос (70,2 г), Жарқўрғон (72,2 г), С-9082 (72,0 г), С-8290 (66,6 г), Андижон-37 (66,3 г) ва Султон (65,8 г) навлари юқори кўрсаткичларга эга бўлиб, биринчи андоза (Бухоро-6) навининг кўрсаткичи билан деярли тенг ёки +5,3 г га, иккинчи андоза (Бухоро-102) навининг кўрсаткичидан +5,7 г дан +16,7 г гача юқори эканлиги аниқланди.

Бир ўсимлик маҳсулдорлиги кўрсаткичи бўйича С-2510 В (46,9 г), Бешариқ-96 (45,5 г), Омад (48,1), Ибрат (49,4), Умид (49,0 г) навлари нисбатан паст кўрсаткич кўрсатиб, андоза навларидан -10,9 г дан -20,0 г гача кам маҳсулдорликка эга бўлди.

Районлашган ғўза навлари ҳосилдорлигига гармселнинг таъсири. 2012 йилда ўрганилган ўрта толали навларнинг ҳосилдорлик кўрсаткичи бўйича 23,9-43,1 ц/га ораликда экани аниқланди. Бу ерда энг юқори ҳосилдорлик С-9082 навида 43,1 ц/гани, андоза навларига нисбатан +8,5-+19,1 ц/га гача юқори бўлиб, ушбу кўрсаткич бўйича кейинги жойларни Бешқаҳрамон, Термиз-256, Наманган-77, Истиклол-14 ва ЎзФА-703 ғўза навлари эгаллаб, мос равишда 41,45; 39,78; 39,3; 39,3 ва 39,3 ц/га юқори ҳосил тўплади.

Ҳосилдорлик кўрсаткичи белгиси бўйича бироз паст натижани Бухоро-6 нави, яъни 23,8 ц/гани қайд этилиб, сабаби ҳавонинг ҳарорат юқори бўлиши ва ҳосил элементларини кам сақлаб қолганлиги ва маҳсулдорлиги пастроқ бўлганлиги кўрсатди.

Кейинги йил тажрибаларимизда ўрганилган навлардан умумий ўртача ҳосилдорлик 25,7-46,0 ц/гагача бўлганлиги аниқланди. Мазкур белги бўйича энг юқори кўрсаткичи С-9082 нави тегишли бўлиб, андоза навларига нисбатан +19,2-+8,7 ц/га ни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин.

2013 йилда олиб борилган тажрибаларда ўрганилган навларда умумий ҳосилдорлик Наманган-77 навида 29,2 ц/га дан ҳамда С-2118 навида 39,1 ц/га гача ораликда, энг юқори кўрсаткич С-2118 навида кузатилиб, ҳар иккала андоза навларидан +4,8-+7,4 ц/га гача юқори ҳосил тўплади.

Тажрибамаизнинг сўнгги йилида ўрганилган ўрта толали навларнинг ҳосилдорлик кўрсаткичи бўйича олинган натижалар, андоза навларга нисбатан юқори натижага эришилди. Бухоро-6 ва Бухоро-102 навида нисбатан сезиларли даражада юқори натижага эришган ўрта толали Наманган-77 нави 51,16 ц/га, Султон нави 50,6 ц/га, Истиклол-14 нави 48,08 ц/га, Жарқўрғон нави 47,0 ц/га, Бешқахрамон нави 45,0 ц/га юқори ҳосил олишга эришилиб, бунинг сабаби ушбу навларнинг потенциали юқори навлар ҳисобланганлиги учун.

Диссертациянинг «**Ўрганилган ғўза навларининг тола чиқими ва сифат кўрсаткичларига гармселнинг таъсири**» деб номланган тўртинчи бобида олинган натижалар андоза Бухоро-6 навида тола чиқими 34,7-39,0 фоиз, районлашган Бешқахрамон (37,0-39,0 фоиз), ЎзФА-703 (37,2-39,2 фоиз), Истиклол-14 (37,0 фоиз), янги навлардан С-9082 (41,0-43,3 фоиз), Термиз-256 (40,0-41,5 фоиз) навида юқори тола чиқими эга эканлигини кўрсатди.

Изланишларда ўрганилган ғўза навларининг белги бўйича потенциали юқорилиги ҳамда иклим шароити ва қўлланилган агротехник тадбирлар таъсирида бошқа белгилар каби ўзгариши аниқланди. 2013 йилда ҳароратнинг 45-50⁰С га кўтарилиши натижасида 2012 йилга нисбатан тола чиқиши ошди. Масалан, белги бўйича нисбатан юқори кўрсаткич С-9082 (41,0 фоиз), Термиз-256 (40,0 фоиз), навларида қайд этилди.

Ғўза навларининг тола узунлигига гармселнинг таъсири. Белги бўйича олинган натижалар таҳлиliga кўра андоза Бухоро-6 навида бу белги кўрсаткичи 31,8-33,0 мм ни ташкил этди. Бундан юқори кўрсаткичлар Истиклол-14 (33,2-34,4 мм), Омад (33,0-34,4 мм), Бухоро-8 (33,2-33,7 мм), Умид (33,5-35,9 мм), С-2118 (33,5-34,7 мм), Термиз-256 (33,1-34,4 мм) навларида қайд этилди. Андоза навга тенг кўрсаткичлар Кўпайсин (32,9-33,9 мм), Чарос (31,7-33,0 мм), Жарқўрғон (32,5-35,8) навларида қайд этилди.

Синалаётган бошқа навларнинг бу белгиси бўйича кўрсаткичлари андоза навлардан кам эканлиги қайд этилди. Тола узунлиги белгиси бўйича олинган натижалар бу борада эришилган натижалар сезиларли эмаслигини ва келгусида комплекс қимматли-хўжалик белгилари билан биргаликда тола узунлигига эътибор қаратилишини кўрсатмоқда.

Ғўза навлари толасининг сифат кўрсаткичларига гармсел ва юқори ҳароратнинг таъсири аниқланди. Эртапишар навлардан Умид, ўртапишар навлардан Жарқўрғон, Бухоро-102, ЎзФА-703 ва бошқа навларнинг ўсимликларининг 2-ярусидан олинган намуналарда тола чиқиши сезиларли 0,7-3,5 фоизгача камайганлиги 4-8 м/сек тезликда эсувчи гармселнинг ва ўта юқори куруқ ҳароратнинг таъсири натижаси деб қараш мумкин. Тола узунлиги

белгисини ўсимлик яруслари бўйича таҳлил қилганимизда, ҳарорат юқори бўлган даврда етилган кўсаклардаги тола узунлиги С-6775, Султон, С-8286, Истиклол-14, С-2118 навларида 1- ва 3-яруслардагига нисбатан 2-ярусдан терилган намуналарда пахтанинг тола узунлиги юқори бўлиши аниқланди.

Ҳарорат юқори бўлганда шаклланган кўсакларда тола узунлиги Бухоро-8, С-9082 навларида 1- ва 3-ярусга нисбатан 2-ярусдан олинган намуналарда тола узунлиги қисқа бўлиши кузатилди. ЎзФА-703 навида 2- ва 3-яруслардан териб олинган намуналарда тола узунлиги камайиб бориши кузатилди.

Ѓўза навларининг тола микронейрига гармселнинг таъсири. Маълумки, толанинг мажмуавий сифатини таърифлайдиган асосий ва муҳим кўрсаткичларидан бири микронейр кўрсаткичи ҳисобланади. Шунинг учун, тадқиқотларимизда навларнинг ўсимликларининг пастки ва тепа ярусларидаги микронейр кўрсаткичлари бир-бири билан солиштириб ўрганилди.

Микронейр кўрсаткичи навлардан олинган намуналар бўйича 3,8-5,3 оралиғида бўлиб, кўпчилик навларда ўсимлик яруси ошиши билан микронейр кўрсаткичи ҳам ошиши кузатилди. Халқаро стандартлар талабларига кўра баҳоланганда Бешқаҳрамон (5,2) навининг микронейр белгиси кўрсаткичи жуда юқорилиги бу навларнинг салбий жиҳати ҳисобланади.

Истиклол-14, ЎзФА-703, Умид, С-2118 навларнинг тола микронейри кўрсаткичи 4,0-4,2 оралиғида бўлиб, андоза Бухоро-6 ва Бухоро-102 ғўза навларининг шу белги кўрсаткичидан -0,2; -0,5 гача паст бўлиб, жаҳон бозори андозалари талабларига тўлиқ жавоб бериши кузатилди.

Микронейр кўрсаткичи 4,7-4,8 бўлган Наманган-77, Султон, С-8286 навлари мазкур белгиси бўйича паст баҳоланиши мумкин.

Ѓўза навлари толасининг юқори ўртача узунлиги (Len)га гармселнинг таъсири. Юқори ўртача узунлик (Len) – олинган намунанинг ярмини ташкил қилувчи толанинг дўймда ифодаланадиган узунлиги асосий белгилардан бири бўлиб, тола бозорида мазкур кўрсаткичга катта эътибор берилади. 2013 йилда олинган натижаларда эса биринчи ярусдаги толанинг юқори ўртача узунлиги олдинги йилдаги натижаларга яқин бўлган кўрсаткичлар қайд этилиб асосан тезпишар навларда кўрсаткичнинг ижобийлиги Омад, стандар нав Бухоро-102, Жарқўрғон навларида кўришимиз мумкин. Учинчи ярусдан терилган пахта толасининг кўрсаткичларида эса олдинги йилда олинган маълумотларга мос равишда тезпишар навларида биринчи ярусга нисбатан кўрсаткичларнинг юқори эканлиги кузатилди. Қолган навларнинг дўйм бўйича тола узунлиги кўрсаткичлари 4-типга мансублиги қайд этилди.

Ѓўза навлари толасининг солиштирма узилиш кучи (Str)га гармселнинг таъсири. Солиштирма узилиш кучи пахта толасини типларга ажратишда қўлланиладиган жиҳатлардан бўлиб, тадқиқотларимизда ўрганилган ғўза навларида биринчи ва учинчи яруслари бўйича териб олинган пахта толасининг солиштирма узилиш кучининг ўртача кўрсаткичлари фарқланиши стандарт нав сифатида экиб ўрганилган Бухоро-6 ва Бухоро-102 навларининг натижаларига нисбатан солиштириб таҳлил қилинди. Бунда андоза Бухоро-102 навининг кўрсаткичи нисбатан юқори эканлигини кўришимиз мумкин бўлиб, кўрсаткич ўртача биринчи ва учинчи ярусларда

тезпишар Жарқўрғон, С-2118 навларида +0,6 г.к/текс дан +2,0 г.к/текс гача ижобий кўрсаткичга эга эканлиги аниқланди. Ўртапишар навлардан ингичка толали гўза нави Термиз-256, ЎзФА-703, Бешқахрамон навларида кўрсаткичнинг -2,8 г.к/текс дан -4,6 г.к/текс гача салбий натижаларга эга эканлиги кузатилди. Стандарт нав сифатида Бухоро-6 навига солиштириб таҳлил қилинган натижаларда юқорида кўрсатиб ўтилган тезпишар навлар бўйича кўрсаткичнинг мос равишда ижобий эканлиги, толанинг солиштирама узулиш кучи +1,2 г.к/текс дан +2,3 г.к/текс гача юқори эканлиги аниқланди. Бу эса ўз навбатида юқоридаги тезпишар навларда толанинг тўлиқ пишиб етилиши ва гармсел шароитида тезпишар навлар ижобий натижа беришини яна бир бор исботлади. Солиштирама узулиш кучи кўрсаткичининг яруслар бўйича алоҳида олинган натижаларини солиштириб таҳлил қилганимизда, юқорида олинган натижаларнинг биринчи ярусда учинчи ярусга нисбатан деярли барча ўрганилган навларида биринчи ярусда толанинг тўлиқ пишиб етилмаганлиги, солиштирама узулиш кучининг нисбатан паст бўлиши гўзанинг илдизи ва вегетатив органларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги ҳамда ҳароратнинг етарли даражада эмаслиги деб хулоса қилинди.

Диссертациянинг «**Районлашган Истиклол-14, истикболли Жарқўрғон ҳамда янги С-2118 гўза навларини морфоҳўжалик белгиларининг шаклланишига гармселнинг таъсири**» деб номланган V-боби сув танқислиги, шўрланишга бардошли, тола сифати 4-тип талабларига жавоб берадиган, юқори ҳосил бера оладиган районлашган Истиклол-14 ва истикболли Жарқўрғон навларининг морфоҳўжалик белгиларининг шаклланишига гармселнинг таъсирини ўрганишга бағишланган.

Маълумки, гўза навларининг ҳосилдорлиги, тезпишарлиги, тола чиқими ва толанинг технологик кўрсаткичлари ташқи омиллар ҳамда агротехника таъсирида турлича намоён бўлади. Тола узунлиги кўрсаткичи эса Истиклол-14 навида 32,5 мм, Жарқўрғон навида 35,8 мм эканлиги, яъни андоза навига нисбатан юқори бўлгани қайд этилди.

Толанинг микронейр кўрсаткичи, тола узунлиги, толанинг ўртача узунлиги, толанинг солиштирама узулиш кучи каби кўрсаткичлар йиғиндисининг белгиланган меъёрларга мос келишини ҳисобга олган ҳолда аниқ бир тола типига мансублиги белгиланади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, изланишларимизда Истиклол-14 ва Жарқўрғон навларининг тола сифати 4-типга мансуб Бухоро-102 навининг сифат кўрсаткичи билан гармсел шароитида таққослаб ўрганилди. Олинган натижалар ўрганилган навлар толасининг сифат кўрсаткичлари андоза навга нисбатан юқори эканлигини кўрсатди. Айниқса, толанинг микронейр кўрсаткичи тажриба даврида ўзгармагани, яъни Истиклол-14 навида 4,0-4,1 ва Жарқўрғон навида 4,4-4,5 бўлгани аниқланди. Шунингдек, толанинг солиштирама узулиш кучи кўрсаткичи ҳам ҳар иккала навда 4-тип тола кўрсаткичларига жавоб бериши (Истиклол-14 навида 31,9-32,0 г.куч/текс, Жарқўрғон навида 35,0-34,9 г.куч/текс) эканлиги қайд этилди. Изланишлар асосида Истиклол-14 ва Жарқўрғон навлари толасининг технологик кўрсаткичлари гармсел шароитида барқарор сақланиб қолиши, яъни салбий

таъсири пастлигини ҳамда ушбу навлардан гармсел шароитида ҳам юқори сифатли тола етиштириш мумкинлиги хулоса қилинди.

Тола чиқимининг шаклланишига гармселнинг таъсирини ўрганиш борасида изланишларимиздан олинган маълумотлар андоза Бухоро-102 навида белгининг 35,1 фоиз, Истиклол-14 навида 35,6 фоиз, Жарқўрғон навида эса 36,1 фоизга тенг эканлигини кўрсатди.

Изланишларимизда тола чиқимига гармселнинг таъсирини ўрганиш бўйича олинган натижалар Жарқўрғон нави оилалари мисолида вариацион қаторлар бўйича таҳлил қилинди. Маълумотлар аксарият оилалар вариацион қаторнинг 37,8-38,2 фоизлик синфидан 39,8-40,2 фоизгача бўлган синфларида жойлашганини, ҳаттоки вариацион қаторнинг 41,2 фоизгача бўлган синфларида ҳам 2 та оила жойлашганини ҳамда ўрганилган 200 та оиланинг белги бўйича ўртача кўрсаткичи 38,8 фоизни ташкил этганини кўрсатди. 1-йилги оилаларни синаш кўчатзорида ўрганилган 700 та оилада тола чиқими кўрсаткичлари 35,8-36,2 фоиздан 41,3-41,7 фоизгача бўлгани, аксарият намуналар вариацион қаторнинг 37,3-37,7 фоиздан 39,3-39,7 фоизлик синфларига мансублиги (ўртача 38,4 фоиз) Жарқўрғон навининг гармсел шароитида ҳам тола чиқими юқори бўлишини яхши тасдиқлайди.

Жарқўрғон навининг биринчи ва иккинчи йилги уруғлик кўчатзорларидан териб олинган оилаларнинг тола узунлиги 5 та синфларда, яъни 31,5-32,4 дан 35,5-36,4 мм гача бўлган синфларда жойлашганини кўрсатди. Ўрганилган оилалардан 127 таси вариацион қаторнинг 33,5-34,4 мм. ли синфларига тўғри келиши (ўртача 33,7 мм), якка танловларнинг тола узунлиги эса намунавий теримларга нисбатан яхши эканлиги, яъни 33,5 -34,4 мм дан 34,5-35,4 мм гача синфда жойлашгани аниқланди. 1-йилги оилаларни синаш кўчатзоридан териб олинган 700 та намунанинг тола узунлиги бўйича 31,5-32,4 дан 35,5-36,4 мм гача бўлган синфларда жойлашгани аниқланди. Яъни, 359 та оила вариацион қаторнинг 33,5-34,4 мм ва 271 таси 34,5-35,4 мм лик синфларига жойлашгани, ҳаттоки 35,5-36,4 мм бўлган 16 та оила мавжудлигини кўрсатди.

Толанинг солиштирма узилиш узунлиги белгиси бўйича таҳлил қилинган намуналар вариацион қаторнинг 29,0-31,0 дан 37,1-39,0 г.куч/текс га мансуб синфларига тақсимлангани, жумладан 29 та оила 35,1-37,0 ва 1 та оила 37,1-39,0 гача бўлган ижобий синфларига жойлашгани аниқланди. Ўрганилган 194 та оиланинг ўртача кўрсаткичи 33,4 г.куч/текс ни ташкил этди. 2014 йилдаги кучли гармселга қарамасдан вариацион таҳлил асосида толанинг узилиш узунлиги белгиси бўйича юқори эканлиги ва аввалги йилларга нисбатан яхшиланганини таъкидлаш лозим. Яъни, ўрганилган 120 та оилалар вариацион қаторнинг 35,1-37,0 г.куч/текс дан 39,1-41,0 г.куч/текс га мансуб синфларида жойлашгани ва белгининг ўртача кўрсаткичи 36,9 г.куч/текс га тенг бўлгани аниқланди.

Намуналарнинг дюмда тола узунлиги бўйича Жарқўрғон навининг 2-йилги уруғлик кўчатзоридан терилган оилаларнинг таҳлил натижалари намуналарни вариацион қаторнинг 4 та синфга тақсимланганини, яъни вариацион қаторнинг 1,11-1,13 дан 1,20-1,22 дюмгача бўлган синфларида жойлашганини кўрсатди. Жами ўрганилган 194 та оиладан 172 таси тола

узушлиги бўйича 1,14-1,16 ҳамда 1,20-1,22 гача бўлган синфларида жойлашгани ва ўртача кўрсаткич 1,17 дюмни ташкил этганини таъкидлаш лозим. 2014 йилда ҳам толанинг дюмдаги узушлиги бўйича 2-йилги уруғлик кўчатзоридан терилган оилалар вариацион қаторнинг 1,11-1,13 дан 1,26-1,28 дюмгача бўлган 6 та синфларида жойлашгани ва белгининг ўртача кўрсаткичи 1,17 дюймни ташкил этгани аниқланди. Яъни, ушбу навнинг халқаро андозалар талабларига асосан юқори даражада III ва IV-тип талабларига жавоб бериши борасидаги аввалги хулосаларимиз тасдиқланди.

Микронейр бўйича олинган маълумотлар ўрганилган аксарият оилалар вариацион қаторнинг 4,2-4,3 дан 4,4-4,5 гача синфларига жойлашганини ва иккита оила 4,0-4,1 синфида жойлашганини кўрсатди. 2014 йилда ҳароратнинг ҳаддан ташқари иссиқ бўлиши ва гармсел натижасида микронейр кўрсаткичлари аввалги йилларга нисбатан бироз юқори бўлгани, яъни ўртача микронейр 4,6 ни ташкил этгани (4,2-4,3 микронейрлик синфда биронта ҳам оила учрамагани ва 4,4-4,5 микронейрли синфда аввалги йилларга нисбатан оилалар сони камайгани) гармселнинг микронейрга кучли таъсири борлигидан далолат беради.

Диссертациянинг «Гармсел шароитида гўза дурагайларида қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши» деб номланган олтинчи бобида ўтказилган тадқиқотлар асосида табиий гармселга бардошли деб топилган ўрта толали гўза навларини чатиштириш орқали яратилган F_1 дурагайларида асосий хўжалик учун қимматли белгилар ҳамда толанинг технологик кўрсаткичларини ирсийланиши ва шаклланишини ўрганиш юзасидан олинган натижалар ёритилган.

Ўрганилган F_1 дурагайларида ҳосил элементлари ва маҳсулдорликнинг ирсийланишига гармселнинг таъсири бўйича олинган маълумотлар асосида бир ўсимлик маҳсулдорлиги. Чатиштиришларда қатнашган ота-она шакллардан С-6775 ва С-8286 навлари она ўсимлик кўринишида дурагайланган комбинацияларда бир ўсимлик маҳсулдорлиги кўрсаткичи ирсийланиши бўйича натижалар она ўсимлик кўрсаткичига яқин натижалар олиниб F_1 С-6775 х Истиклол-14 дурагай авлодда 83,4 грамм ва F_1 С-8286 х С-2118 дурагайи эса 129,8 грамм га тенг бўлган бўлса, *G. barbadense* L. турига мансуб ингичка толали Термиз-256 нави иштирокида олинган F_1 Султон х Термиз-256, F_1 С-2118 х Термиз-256, F_1 С-6775 х Термиз-256, F_1 С-8286 х Термиз-256 ва F_1 Истиклол-14 х Термиз-256 турлараро дурагайларида 83,2 грамм дан 155,5 грамм гача фарқланишда бўлди.

Дурагайларнинг биринчи авлодида бир ўсимлик маҳсулдорлиги белгиси бўйича ота-она шаклларга нисбатан турлича кўрсаткичлар қайд қилинди.

F_1 ўсимликларида тола чиқимининг ирсийланишига табиий гармселнинг таъсирини ўрганиш натижасида оналик ўсимлиги сифатида Султон нави билан олинган F_1 Султон х Истиклол-14 дурагай комбинациямизда тола чиқими 39,8 фоизни ташкил қилиб, белгининг ижобий гетерозис шаклида ирсийланиши аниқланди. Худди шу комбинациянинг оталик ўсимлиги сифати Жарқўрғон нави F_1 Султон х Жарқўрғон иштирок этган дурагайда тола чиқими 38 фоизни ташкил қилиб белги тўлиқ доминант шаклда ирсийланиши аниқланди. С-2118

нави иштирок этиб энг юқори тола чиқими ингичка толали Термиз-256 нави иштирокидаги $F_1C-2118$ х Термиз-256 дурагайда 38,1 фоизни ташкил этди. Оналик ўсимлиги сифатида $C-6775$ нави иштирок этиб кўрсаткичлар 32,3 фоиздан 37,3 фоиз ораликда тола чиқимига эга бўлди. Бу комбинацияда энг юқори тола чиқими $F_1C-6775$ х $C-8286$ дурагайда кузатилиб белги тўлик доминант шаклида ирсийланиши кузатилди. Дурагай авлод кўрсаткичи ота-она ўсимликларга нисбатан 0,5 фоиздан 5,6 фоизгача юқори тола чиқими билан фарқ қилди.

Ўрта толали $C-8286$ нави она ўсимлик сифатида иштирок этиб, ингичка толали ғўза турига мансуб бўлган Термиз-256 нави билан олинган дурагайда тола чиқими белгисининг ижобий гетерозис ҳолида ирсийланганлиги аниқланиб доминантлик коэффиценти 1,9 ташкил этди. Бу ота-она ўсимликлардан 13,3 фоиздан 4,3 фоизгача юқори эканлигини кўрсатиб 45,0 фоизи тола чиқимига эга бўлди. Истиклол -14 ва Жарқўрғон ўрта толали ғўза навлари иштирок этган дурагай комбинацияларда тола чими кўрсаткичи 32,6 фоиздан 40,9 фоизгача ўзгаришда натижалар олинди. Энг юқори натижа ингичка толали нав Термиз-256 нави иштирокидаги F_1 Истиклол-14 х Термиз-256 дурагайда кузатилиб 40,9 фоизни ташкил этди. Бу натижа она ўсимлик сифатида иштирок этган Истиклол-14 навидан 4,9 фоиз, она ўсимлидан эса 0,2 фоиз ортиқ тола чиқимига эга эканлигини кўрсатди. Энг паст кўрсаткич F_1 Истиклол-14 х Султон дурагайда кузатилиб 32,6 фоизни ташкил этди. Бу эса она ўсимлик сифатида иштирок этган Истиклол-14 навидан 3,4 фоиз кам эканлигини кўрсатди.

F_1 ўсимликларида толанинг технологик кўрсаткичларининг ирсийланишига гармселнинг таъсири. Бугунги кунда Ўзбекистон халқаро тола бозорида тола экспорти бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллаб туриш билан биргаликда унинг сифат кўрсаткичи белгилари бўйича Республикамизда яратилган Бухоро-6 нави халқаро эталон сифатида қабул қилинган. Бирок, тола сифатига гармселнинг таъсирини ўрганиш борасидаги тадқиқотлар етарли эмас. Шунинг учун, биз тадқиқотларимизда гармсел шароитида тур ичида ва турлараро дурагайлаш усулларида фойдаланиб тола сифати кўрсаткичларининг ирсийланишини ўргандик.

Тола узунлиги белгисининг F_1 авлодда ирсийланишини ўрганиш борасида олинган маълумотлардан Султон нави оналик ўсимлиги сифатида иштирок этган дурагайлари орасида энг узун толани (34,5 мм) ни F_1 Султон х $C-8286$ комбинациясида аниқланди. Бу тола узунлиги белгисининг дурагай авлодда тўлик доминант ҳолда ижобий гетерозис тарзида ирсийланганлигини кўрсатиб, доминантлик коэффиценти 3,5 ни ташкил этди. Тажрибамизда андоза нав сифатида экиб ўрганилган Бухоро-6 навига нисбатан 2,3 мм тола узунлигига эга эканлиги, иккинчи андоза нав Бухоро-102 навига нисбатан эса, 2,7 мм га узунлиги намоён бўлди. Султон нави оналик ўсимлиги сифатида иштирок этган дурагайлардан тола узунлиги белгисининг салбий гетерозис ҳолида ирсийланиши F_1 Султон х Истиклол-14 дурагайида кузатилиб, ўртача 30 мм ни ташкил этди. Дурагай авлодининг тола узунлиги ота-она навларга нисбатан 3,6 мм дан 5,0 мм гача кам бўлганлиги аниқланди. Навбатдаги дурагай

комбинацияда С-2118 нави оналик ўсимлиги сифатида дурагайлаш орқали олинган авлодда энг юқори тола узунлиги $F_1C-2118 \times C-8286$ дурагайида кузатилиб, тола узунлиги белгиси ижобий гетерозис тарзида ирсийланиши аниқланди. Дурагай ўсимлиги ота-она навларга нисбатан 0,6 мм дан 1,0 мм гача узун толали кўрсаткичга эга бўлиб 35,0 мм тола узунлигини қайд этди. С-2118 нави она ўсимлиги бўлиб қатнашган дурагайларда тола узунлиги 32,0 мм дан 35,0 мм гача фарқланганлиги аниқланди.

Энг калта толали дурагай $F_1C-2118 \times$ Султон нави иштирокида олинган комбинацияда кузатилиб 32,0 мм ни ташкил этди. Ота-она ўсимликлардан эса 2,4 мм дан 1,6 мм гача калта толага эга эканлиги намоён бўлди.

Дурагайлашда ўрта толали ғўзанинг С-6775, С-8286, Истиклол-14, Жарқўрғон навлари оналик сифатида иштирок этган дурагайларнинг кўрсаткичлари ўртача тола узунлиги 35,5 мм дан 30,7 мм гача ораликда бўлди. Энг узун толали дурагай F_1 Жарқўрғон \times С-2118 комбинацияда кузатилиб, 35,5 мм ни ташкил қилди. Бу андоза навлардан Бухоро-6 навидан 3,3 мм, Бухоро-102 навидан 3,7 мм гача узун эканлигини кўрсатди.

Турлараро дурагайлаш усулида ингичка толали ғўза турига мансуб бўлган Термиз-256 нави иштирокидаги дурагайларда тола узунлиги ўртача 30,7 мм дан 33,0 мм гача ораликда бўлди. Энг узун толали турлараро дурагайлар $F_1C-2118 \times$ Термиз-256 ва $F_1C-6775 \times$ Термиз-256 комбинацияларида аниқланиб 33,0 мм тола узунлигини қайд этилди. Тола узунлиги белгисининг салбий гетерозис тарзида ирсийланиши F_1 Истиклол-14 \times Термиз-256 турлараро дурагайида кузатилди.

Хусусан, белгининг юзага чиқишида ирсият муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у етиштириш шароитида ўзгариб кетиши мумкин. Тола узунлигини халқаро андозалар талаблари даражасида бўлиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб изланишларимизда гармсел шароитида белгининг намоён бўлиши ўрганилди.

Толанинг микронейр кўрсаткичи бўйича дурагайлашда иштирок этган навларнинг генотипига боғлиқ равишда F_1 дурагайлари турлича натижани кўрсатди. Ўрганилган дурагайлар орасида белги бўйича нисбатан яхши кўрсаткичлар (3,8) F_1 Истиклол-14 \times Жарқўрғон, F_1 Жарқўрғон \times С-6775 (4,0) ҳамда $F_1C-2118 \times$ Султон ва $F_1C-2118 \times$ С-6775 комбинацияларида намоён бўлиб, тола микронейри бир хил (4,1)да майин эканлиги аниқланди.

Олинган маълумотлар гармсел шароитида белгининг абсолют кўрсаткичи бўйича бошланғич навлар орасида энг юқори кўрсаткич (1,9) Истиклол-14 ва С-2118 навларида бўлганини кўрсатди. Нисбатан паст кўрсаткичлар эса, Термиз-256 (1,08) ва Султон (1,11) навларида кузатилиб, қолган навларнинг кўрсаткичлари оралик ҳолатда эканлиги аниқланди.

Тола узунлиги белгиси бўйича F_1 дурагайлари орасида энг юқори кўрсаткич F_1 Жарқўрғон \times С-6775 (1,30), $F_1C-6775 \times$ С-2118 (1,24), $F_1C-2118 \times$ Султон (1,24), $F_1C-6775 \times$ С-8286 (1,23), F_1 Истиклол-14 \times С-2118 (1,23) ва F_1 Жарқўрғон \times С-8286 (1,23) комбинацияларида кузатилди. Белгининг нисбатан паст кўрсаткичлари эса, F_1 Султон \times С-6775 (1,8), F_1 Истиклол-14 \times С-6775 (1,09) ва $F_1C-8286 \times$ Термиз-256 (1,10) бўлганлиги аниқланди.

Гармсел шароитининг тола узунлиги белгисини ирсийланиши бўйича

олинган натижалар доминантлик кўрсаткичларининг барча ҳолатлари мавжуд эканлигини кўрсатди. Жумладан, 8 та комбинацияда ижобий гетерозис, 4 та комбинацияда салбий гетерозис ва 10 та комбинацияда салбий ёки ижобий оралик ҳолда ирсийланганлиги аниқланди.

Юқори тола узунлигига эга бўлган С-2118 ва Жарқурғон навлари оналик сифатида иштирок этган аксарият комбинацияларда белгининг юқори ижобий тарзда намоён бўлганлигини таъкидлаш лозим. Тадқиқотларимиздан олинган натижалар асосида гармсел шароитида тола узунлигининг ирсийланиш кўрсаткичлари F_1 дурагайларида реципрок самарага эгаллиги, яъни оналик сифатида олинган навнинг генотипини таъсири кучли бўлишини ҳамда дурагайларда ирсийланишнинг турли даражада намоён бўлишини хулоса қилиш мумкин.

Генетика ва селекция борасидаги маҳаллий адабиётларда толанинг миронейр кўрсаткичини ўрганиш борасидаги маълумотлар чекланган бўлиб, уларнинг айримларида белги бўйича чатишувчанлик қобиляти, дурагайларда шаклланиши ва ирсийланиши турлича намоён бўлиши аниқланган. Дурагай комбинациялардан микронейр белгиси бўйича нисбатан яхши кўрсаткичлари F_1 Истиклол-14 x Жарқурғон (3,8), F_1 Жарқурғон x С-6775 (4,0), ҳамда F_1 С-2118 x Султон ва F_1 С-2118 x С-6775 дурагайларида бир хил (4,1) эканлиги аниқланди. Бироқ, айрим комбинацияларда, жумладан F_1 С-8286 x Истиклол-14 (4,9) ва F_1 Истиклол-14 x С-6775 (4,9) дурагайлар толасининг дағал эканлигини қайд этиш лозим. Ушбу натижалар бошланғич ашёлар ичидан чатиштириш ишлари учун ота-она жуфтларини танлашда уларнинг микронейр кўрсаткичига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигидан далолат беради. Бошқа кўпчилик белгилардан фарқли равишда микронейр кўрсаткичи доминантлик коэффициентларининг салбий бўлиши селекция нуктаи назаридан ижобий ҳисобланади.

Ўрганилган дурагай комбинацияларнинг 2 тасида, яъни F_1 С-2118 x Султон ва F_1 С-2118 x С-6775 дурагайларида белгининг салбий ҳолдаги тўлиқ доминант тарзда ирсийлангани аниқланди. Уларнинг ичида F_1 Истиклол-14 x Жарқурғон дурагай комбинациясида салбий оралик ҳолдаги ирсийланиш (-0,6) ҳамда қолган барча ҳолларда ижобий доминантлик юз берганлиги аниқланди. Ушбу натижалар гармселнинг микронейр кўрсаткичининг намоён бўлишида салбий таъсир кўрсатишидан далолат беради.

Умуман олганда ўрганилган навлар ва дурагайларнинг микронейр кўрсаткичи бўйича олинган натижалар асосида белгининг ўртача кўрсаткичига гармсел шароитининг салбий таъсир этиши аниқланди. F_1 дурагайларида микронейр кўрсаткичининг аксарият ҳолларда ижобий эканлиги гармсел таъсирида толанинг дағаллашиши эҳтимоли деб хулоса қилиш имкониятини беради. Олинган натижалар асосида гармсел шароитида дурагай комбинацияларда толанинг микронейр кўрсаткичини яхшилашга эришиш учун чатиштириш ишларига белгининг ижобий кўрсаткичига эга генотипларини жалб этиш кераклигини хулоса қилиш мумкин.

Тадқиқотларимизда толанинг муҳим технологик кўрсаткичларидан бири бўлган белги – солиштирама узилиш кўчининг F_1 дурагайларида намоён

бўлишига гармселнинг таъсири ўрганилди. Олинган натижалар дурагайлашда иштирок этган навларнинг белги бўйича кўрсаткичлари 31,2 г.к/текс дан (Термиз-256) 36,2 г.к/текс гача (Жаркўрғон) ораликда бўлганини кўрсатди.

Ўрганилган дурагайлар ичидан эса, белги бўйича энг юқори кўрсаткич (40,7 г.к/текс) $F_1C-8286 \times C-2118$ комбинациясида ва энг паст кўрсаткич (30, 5 г.к/текс $F_1C-8286 \times$ Термиз-256 комбинациясида кузатилди.

Олинган натижалар асосида гармсел шароитида тола узунлигининг ирсийланиши кўрсаткичлари F_1 дурагайларида реципрок самарага эга эканлиги, яъни оналик сифатида олинган навнинг генотипини таъсири кучли бўлишини ҳамда дурагайларда ирсийланишнинг турли даражада намоён бўлишини хулоса қилиш мумкин.

Шунингдек, нисбатан толанинг солиштирма узилиш кучи бўйича юқори ижобий натижалар F_1 Истиклол-14 \times Жаркўрғон (38,8 г.к/текс), $F_1C-8286 \times$ Истиклол-14 (38,7 г.к/текс), F_1 Жаркўрғон \times C-8286 (38,4 г.к/текс) ва $F_1C-8286 \times$ Султон (38,3 г.к/текс) комбинацияларида қайд этилди.

F_1 дурагайларида толанинг солиштирма узилиш кучи бўйича доминантлик кўрсаткичлари ҳам аниқланди. Олинган натижалар аксарият ҳолларда белгининг ижобий ёки салбий гетерозис тарзда ирсийланишини кўрсатди. Яъни, ўрганилган 33 та дурагай комбинациядан 25 тасида ижобий, 4 тасида салбий гетерозис юз бергани аниқланди. Белги бўйича 3 та комбинацияда, яъни F_1 Султон \times Жаркўрғон, (0,4) $F_1C-2118 \times$ Истиклол-14 (0,3) ва F_1 Жаркўрғон \times Истиклол-14 (0,7) дурагайларида ижобий оралик ирсийланиш кузатилди.

F_1 дурагайларида толанинг солиштирма узилиш кучининг ирсийланишини ўрганиш бўйича тадқиқотлардан олинган натижалар асосида аксарият комбинацияларда ижобий гетерозис ва оралик тарзда намоён бўлишини аниқладик. Ушбу натижалар биринчи авлод дурагайларида толанинг солиштирма узулиш кучи паратипик ўзгарувчанликка мойил эмаслиги, жумладан, гармселнинг салбий таъсир этмаслигидан далолат беради.

Маълумки толанинг сифатини белгиловчи халқаро андозалар бўйича янги қабул қилинган муҳим кўрсаткичлардан бири бир хиллик индекси ҳисобланади. Бироқ турли хил стресс омиллар, жумладан гармселнинг навлар ва дурагайларнинг бир хиллик индекси кўрсаткичига таъсирини ўрганиш борасида маълумотлар деярли йўқ. Олинган маълумотларнинг кўрсатишича турли стресс омиллар ушбу белгига турлича таъсир қилади. Тола сифатининг бир хиллик индекси кўрсаткичи сифат белгисининг муҳим асоси бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун, кейинги йилларда ушбу белгини ўрганишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Тадқиқотларимиздан олинган натижалар табиий гармсел шароитида белги бўйича нисбатан паст кўрсаткич (82,5) C-6775 ва Термиз-256 (83,0) навларида бўлганлигини кўрсатди. Бошланғич ота-она навлари ичида бир хиллик индекси бўйича энг юқори натижа C-2118 (85,1), Истиклол-14 (84,3) ва Жаркўрғон (84,1) навларида эканлиги кузатилди.

Гармсел шароитида F_1 авлодларда толанинг бир хиллик индекси кўрсаткичлари дурагай комбинациялар бўйича кескин даражада фарқланмаслиги аниқланди. Белги бўйича нисбатан юқори кўрсаткич

F₁Истиклол-14 x C-2118 дурагай комбинациясида кузатилиб, 85,7 га тенг бўлди. Белги бўйича салбий кўрсаткич F₁Султон x Жаркўрғон дурагай комбинациясида кузатилди. Олинган доминантлик кўрсаткичлари белгининг F₁ дурагайларида асосан гетерозис тарзда намоён бўлишини, яъни ўрганилган 21 та дурагай комбинацияларда гетерозис ва 10 та дурагай авлодларда оралик ҳолда ирсийланишини кўрсатди.

Изланишлардан олинган натижалар асосида F₁ дурагайларида толанинг бир хиллик индекси бўйича ирсийланишига гармселнинг салбий таъсири йўқлигини ва генларнинг аддитив самараси туфайли гетерозис тарзда ирсийланишини хулоса қилиш мумкин.

Бу эса, кейинги авлодлар ичидан толанинг бир хиллик индекси бўйича юқори кўрсаткичга эга бўлган ўсимликларни танлаш бўйича селекция ишларини олиб бориш зарурлигини кўрсатади.

ХУЛОСАЛАР

1. Илк мартоба, республиканинг гармселга мойил жанубий чўл-сахро минтақаларида экиш учун тавсия этилган, турли генетик асосга эга бўлган ғўзанинг *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турларига мансуб 20 та районлашган, истикболли ва янги навларини куруқ ва ўта юқори ҳаво ҳарорат натижасида пайдо бўладиган табиий гармселга бардошлилиги қиёсий таққослаб ўрганилди.

2. Тадқиқотлар асосида ўрганилган ўрта ва ингичка толали ғўза навларининг гармселга бардошлилиги ҳамда қимматли хўжалик белгилари ва морфологик кўрсаткичларига салбий таъсири навларнинг генотипига боғлиқ равишда юз бериши тасдиқланди.

3. Изланишлар асосида ингичка толали ғўза навларининг ўрта толали ғўза навларига нисбатан табиий гармселга бардошлилиги, шунингдек, ҳар иккала турга мансуб навларнинг ҳосилдорлиги, ҳосил шохлари ва кўсаклар сони каби белгилари ҳамда навларнинг ирсий жиҳатдан эрта, ўрта ва кечпишарлигига боғлиқ равишда юз бериши аниқланди ва гармселнинг таъсири натижасида пишишнинг 2-7 кунгача жадаллашиши исботланди.

4. Тадқиқот ўтказилган йилларда июл ойининг 1-ярмида 4-11 м/сек. тезликдаги табиий гармселнинг 3-5 марта такрорланиши, ҳаво ҳароратининг 3-10 кун давомида 39,0-43,0^oC ва нисбий намлигини 8-22 фоиз, июль ойининг 2-ярмида гармселнинг 2-3 марта такрорланиши, ҳаво ҳароратини 3-7 кун давомида 40,0-45,0^oC ва ҳаво нисбий намлиги 8,0-22,0 фоиз бўлиши ғўзанинг Жаркўрғон, Истиклол-14, C-2118 навларини комплекс белгилари бўйича Султон, C-6775, C-8286, C-9082, Бешқаҳрамон, ЎзФА-703 навларининг ҳосилдорлигига салбий таъсир камлиги ҳамда ушбу навларнинг гармселга бардошлилиги тасдиқланди.

5. Ўрганилган ўрта толали ғўзанинг Бухоро-6, Бухоро-102, Бухоро-8, Султон, Жаркўрғон навлари бир дона кўсакдаги пахта вазни бўйича, ўрта толали Истиклол-14, Султон, Жаркўрғон, C-8286, Бешқаҳрамон, C-2118, C-9082, C-6775 ва ингичка Сурхон-14, Сурхон-16 навлари эса, ҳосилдорлик бўйича табиий гармсел ҳамда юқори ҳароратга бардошли эканлиги тасдиқланиб, андоза навларга нисбатан 2,9-9,5 ц/га кўп ҳосил тўплагани аниқланди.

6. Тадқикотлар асосида ўрта толали ғўза навларининг бир дона кўсақдаги пахта вазни, 1000 дона чигит вазни, тола индекси ва тола чиқишига табиий гармселнинг салбий таъсири ярусларга боғлиқ тарзда бўлиши аниқланди.

7. Юқори ҳарорат ва гармселнинг салбий таъсири натижасида ўрта толали ғўза навларининг тола узунлиги ва микронейр кўрсаткичи ингичка толали навларниқига нисбатан сезиларли даражада ёмон бўлиши, толанинг юқори ўртача узунлиги эса, тезпишар навларга нисбатан кечпишар навларда юқори бўлиши тасдиқланди.

8. Биринчи маротоба, турли генетик ирсиятга эга бўлган ҳамда табиий гармсел шароитига бардошли деб топилган ғўза навларини ўзаро чагиштиришдан олинган F_1 дурагайларида ҳосил элементларининг сакланиб қолиши ва маҳсулдорлик кўрсаткичлари бўйича асосан гетерозис ва оралик тарзда ирсийланиш юз бериши, яъни 20 тадан комбинацияларда ижобий ва салбий гетерозис ҳамда 11 тадан дурагайларда ижобий ёки салбий оралик ирсийланиш юз бериши кузатилди.

9. Гармселга бардошли деб топилган ғўза навлари иштирокида яратилган F_1 дурагайларида тола чиқимининг юқори кўрсаткичга эга навга хос тарзда, яъни асосан ижобий гетерозис ҳамда ижобий оралик ёки салбий ирсийланиши, тола узунлиги бўйича эса, салбий гетерозис ва ижобий ёки салбий тўлиқ доминант тарзда ирсийланиши тасдиқланди.

10. Илк маротоба, гармселга бардошли ғўза навларини чагиштириш орқали яратилган F_1 дурагайларида тола узунлиги, толанинг солиштирма узилиш кучи ва толанинг узунлик бўйича бир хиллик индекси кўрсаткичлари ижобий гетерозис ҳолда, тола микронейри эса, майин толали навларга хос салбий доминант ҳамда салбий оралик тарзида ирсийланиши аниқланди.

11. Табиий гармсел ва юқори ҳарорат шароитида қимматли хўжалик белгиларнинг мажмуаси бўйича ғўзанинг ўрта толали Жарқўрғон, Истиклол-14, С-2118 ва ингичка толали Сурхон-14 ҳамда ҳосилдорлик бўйича ўрта толали Султон, С-9082, Бешқахрамон ва ингичка толали Сурхон-16 навлари андоза навларга нисбатан устун эканлиги аниқланди ва республикамизнинг гармселга мойил минтақаларида кўпайтириш учун тавсия этилади.

12. Қимматли хўжалик белгиларнинг ижобий мажмуаси ҳамда табиий гармселга бардошлиликни намоён этган ғўзанинг ўрта толали Жарқўрғон, Истиклол-14, С-2118 ва ингичка толали Сурхон-14 ҳамда юқори ҳосилдорликни намоён этган ўрта толали Султон, С-9082, Бешқахрамон ва ингичка толали Сурхон-14, Сурхон-16 навларидан гармселга бардошли ғўза навлари борасидаги селекцион-генетик изланишларда бошланғич ашё сифатида фойдаланиш мумкин.

13. Табиий гармселга бардошли ингичка толали ғўзанинг тола сифати I-а типларга мансуб бўлган Сурхон-14, Сурхон-16, Термиз-202 ва Термиз-208 навлари республиканинг гармселга мойил жанубий минтақаларида экишга тавсия этилади.

14. Гармселга бардошли ҳамда хўжалик учун қимматли белгиларнинг юқори даражадаги ижобий мажмуасига эга бўлган ғўза навлари селекцияси борасидаги изланишларни гармсел ва юқори куруқ ҳарорат кўп учрайдиган вилоятлар шароитида кенг миқёсда ўтказиш ҳамда яратилган гармселга бардошли ғўза навларини ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали пахта ҳосилдорлигини ошириш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

МАРДАНОВ ХУСНИДДИН ХОЛБАЗАРОВИЧ

**ОПРЕДЕЛЕНИЕ ТОЛЕРАНТНОСТИ К ГАРМСЕЛЮ СОРТОВ
ХЛОПЧАТНИКА ВИДА *G.BARBADENSE* И *G.HIRSUTUM* И
РЕКОМЕНДАЦИЯ ДЛЯ ВНЕДРЕНИЯ В ПРОИЗВОДСТВО**

06.01.05 – Селекция и семеноводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ НАУК (DSc)**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора сельскохозяйственных наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.4.DSc/Qx146.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный консультант: Рахманкулов Мурод Саид-Акбарович
доктор сельскохозяйственных наук

Официальные оппоненты: Бурiev Хасан Чутбоевич
доктор биологических наук, профессор

Эргашев Иброхим Ташкентович
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Курбанов Абдор Ёркинович
доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: Научно-исследовательский институт генетических ресурсов растений

Защита диссертации состоится «14» августа 2020 года в 14-00 часов на заседании Научного совета DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1 этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером №-541179). (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2, Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан «23» июля 2020 года.
(реестр протокола рассылки номер 05.1 от «27» июня 2020 года).




Б.А.Сулаймонов
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., академик


Я.Х.Юлдашов
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.с.х.н., профессор


М.М.Адиллов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.с.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Глобальное изменение экологической ситуации в мире негативно влияет на производство устойчивого урожая сельскохозяйственных культур, в частности имеющего важное экономическое значение хлопководства. Как известно, в настоящее время хлопок выращивается примерно в 90 странах мира. По данным Продовольственной и сельскохозяйственной организации Объединенных Наций, Международного консультативного комитета по хлопку³, ведущими странами-производителями хлопка являются Индия, США, Китай, Пакистан, Бразилия и Узбекистан, производящие более 77% мирового хлопка, где в последние 2018-2019 годы в некоторых (Индия, США, Пакистан, Австралия) странах, под воздействием различных стресс факторов, отмечено снижение общего выращиваемого урожая хлопка от 4,7 до 44,0 процентов.

В мире в последние годы явно наблюдается значительный вред различных стрессовых факторов, в том числе гармсея, на урожайность возделываемых сельскохозяйственных культур странах Ближнего Востока, Южной и Восточной Азии, Северной Африки, Австралии и других⁴. В частности, в таких высших образовательных и научно-исследовательских учреждениях, как Department of Atmospheric Science USA, Mississippi State University, U.S. Department of Agriculture, Alcorn State University, University of California проводятся научные исследования с целью изучения влияния гермсея и стрессовых факторов, их предотвращения, разработки и рекомендации производству новых агроинновационных технологий, создания новых сортов учёными селекционерами.

В Обращении Президента Республики Узбекистан к Олий Мажлису от 28 декабря 2018 года отмечена необходимость радикально оживить экспериментально-селекционную работу с целью создания оригинальных сортов в семеноводстве, улучшения материально-технической базы институтов, а также создания семенных кластеров на основе государственно-частного партнерства. Вместе с тем, в ходе визита Президента Республики Узбекистан в Сурхондарьинскую область 17-18 октября 2019 года, а также во время встречи с учеными и специалистами отрасли, были даны поручения по усилению научного подхода при создании новых скороспелых, высокоурожайных сортов тонковолокнистого хлопчатника, расширении их посевных площадей, размножении семян перспективных сортов, а также разработке агротехнологий возделывания с учётом почвенно-климатических условий южных регионов республики.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-5853 от 23 октября 2019 года «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы» и № УП-5953 от 2 марта 2020 года «О Государственной программе по реализации

³FAO. <http://fao.org/crop/statistics>

⁴ ICAC. <http://icac.org>.

Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год развития науки, просвещения и цифровой экономики», Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-3281 от 15 сентября 2017 года «О мерах по рациональному размещению сельскохозяйственных культур и прогнозных объемах производства сельскохозяйственной продукции в 2018 году», № ПП-3683 от 27 апреля 2018 года «О мерах по коренному совершенствованию системы семеноводства в Республике Узбекистан», Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 985 от 12 декабря 2019 года «О сортовом размещении хлопчатника и прогнозных объемах производства хлопка-сырца в 2020 году», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации. Научные исследования по созданию сортов с положительным комплексом хозяйственно-ценных признаков в селекции хлопчатника, а также толерантных к различным биотическим и абиотическим факторам ведутся в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, в частности, Texas A&M, University of Missouri, Alcorn State University (США), China Agricultural University, Institute of Cotton Research, Xinjiang Academy of Agricultural Sciences (Китайская Народная Республика), University of Agricultural Sciences, Cotton University Examination Branch, Central Institute for Cotton Research (Индия), Central Cotton Research Institute, Cotton Research Institute (Пакистан), Agricultural Research Corporation of Sudan (Судан), Ethiopian Institute of Agricultural Research (Эфиопия), Cotton Research Institute of Iran (Иран), Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (Узбекистан).

В развитых хлопководческих странах мира, в процессе проведения ряда исследований по селекции хлопчатника, были получены следующие результаты: созданы сорта хлопчатника с положительным комплексом хозяйственно-ценных признаков и толерантностью к экстремальным факторам (China Agricultural University, Institute of Cotton Research, Xinjiang Academy of Agricultural Sciences); определена взаимосвязь толерантности к абиотическим факторам с хозяйственно-ценными признаками (Cairo University Egypt, University of Agricultural Sciences, Central Institute for Cotton Research, Agricultural Research Corporation of Sudan) и созданы толерантные к стресс факторам сорта хлопчатника (Ethiopian Institute of Agricultural Research, Cotton Research Institute of Iran, The Australian Cotton Research Institute – ACRI).

На сегодняшний день в мире проводятся научные исследования по определению влияния стресс факторов на урожайность, хозяйственно-ценные признаки, показатели качества волокна и другие признаки и свойства в

